

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БОКС БЎЙИЧА БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги «Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-5280-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 апрелдаги ПҚ-5099-сон қарори билан тасдиқланган Боксни 2025 йилгача ривожлантириш **концепциясига** мувофиқ, шунингдек, иқтидорли спортчиларни профессионал боксчилар сифатида тайёрлаш, Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимиз фаолиятини кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимида Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби (кейинги ўринларда — бокс мактаби) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар бокс мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

зарур спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган, замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техника ҳамда ўқув-машғулот базаларини яратиш ва турли даражадаги халқаро ва минтақавий мусобақаларда — Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, универсиадалар ҳамда бошқаларда Ўзбекистоннинг шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган халқаро даражадаги боксчиларни тайёрлаш;

халқаро даражадаги боксчиларни тайёрлаш учун юқори малакали мутахассис-тренерлар, психологлар ва услубчиларни, шу жумладан хорижий мамлакатлардан етакчи мутахассисларни кенг жалб этиш орқали бокс бўйича тренерлар таркибини мустаҳкамлаш;

боксчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўқув-машқ жараёнларига энг янги илмий-услубий технологияларни жорий этиш йўли билан уларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш;

боксчиларнинг профессионал фазилатларини ривожлантириш, шунингдек, боксни ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон миллий терма жамоаларига юқори маҳоратли боксчиларни тайёрлаш;

ёш истиқболли боксчиларни танлаш ва тарбиялаш масалалари бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари, бокс бўйича олий спорт маҳорати мактаблари, спорт яккакурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби ва бошқа спорт-таълим муассасалари билан узлуксиз ҳамкорликни амалга ошириш;

бокс бўйича миллий терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида ўқув-машқ йиғинлари, республика ва минтақавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳамда мунтазам равишда ўтказиб бориш, тренерлар ҳамда боксчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш бўйича хорижий бокс мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

бокс мактаби ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги «Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 410-сон қарорида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади, шу жумладан юридик шахс мақомига эга бўлган ихтисослаштирилган умумтаълим давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланади;

бокс мактаби ўз фаолиятини 2022/2023 ўқув йилидан бошлайди;